

МИЛЛИЙ АМАЛИЁТДА БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ҲАМДА ФУНДАМЕНТАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шовкатов Нодиржон Неъматжон ўғли
ТДИУ, “Баҳолаш иши, инвестиция ва суғурта” кафедраси доценти в.б.
Email: nnshovkatov@gmail.com

Аннотация: Замонавий дунёда корхона қиймати ва баҳолаш атамалари катта аҳамиятга эга. Тижорат битимини амалга ошириш вақтида корхонанинг нархини келишишда корхонанинг қанчалик қимматга тушиши тўғрисидаги маълумотлар ушбу корхона эгаси учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мақолада бизнес қийматини баҳолашнинг иқтисодий моҳияти, баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган тамойиллари ва баҳолаш мақсадлари ёритиб берилган. Ўзбекистонда баҳолаш фаолиятини ривожлантириш бўича таклиф ва тавсиялар ишдаб чиқилган.
Таянч сўзлар: бизнес қийматини баҳолаш, мулкий мажмуа, бозор қиймати, баҳолаш тамойиллари, баҳолаш ёндашувлари, профессионал баҳоловчи.
Abstract: In the modern world, the cost and valuation of an enterprise are of great importance. Information about how much the company will cost when agreeing on the price of the company at the time of the conclusion of a commercial transaction is important both for the owner of this company and for investors. The article describes the economic value of business valuation, the principles used in the valuation process, and the purpose of the valuation. Proposals and recommendations for the development of appraisal activities in Uzbekistan have been developed.
Keywords: business valuation, property complex, market value, valuation principles, approaches to valuation, professional appraiser.
Абстрактный: В современном мире стоимость и оценка предприятия имеют большое значение. Информация о том, во сколько обойдется предприятие при согласовании цены предприятия во время заключения коммерческой сделки, важна как для собственника этой компании, так и для инвесторов. В статье описывается экономическое значение оценки бизнеса, принципы, используемые в процессе оценки, и цели оценки. Разработаны предложения и рекомендации по развитию оценочной деятельности в Узбекистане.
Ключевые слова: оценка стоимости бизнеса, имущественный комплекс, рыночная стоимость, принципы оценки, подходы к оценке, профессиональный оценщик.

Кириш (Введение / Introduction)

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотларнинг жорий босқичида инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, суғурта тизимини ривожлантириш, қимматли қоғозлар бозорини жадаллатириш, устав капиталида давлат улуши юқори бўлган корхонларда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш ҳамда хорижий инвесторларга сотиш амалиётини ривожлантириш каби устувор йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида юқоридаги ислоҳотларни амалга оширилиши, ишлаб чикариш ва ҳизмат кўрсатиш сохаларида тадбиркорликни кўллаб кувватлаш хусусий секторга карашли турли ташкилий хуқуқий шакллардаги янги корхоналарнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, бундай янги ташкил этилган корхоналар хўжалик фаолиятларининг самарадорлиги кўпчилик холатларда уларнинг мулкларини туғри бошқаришга боғлик бўлади. Бунинг натижасида корхона мулки ва унинг активлари қийматини биргаликда баҳолаш зарурияти вужудга келади.

Ривожланган давлатларда бизнеснинг бозор қийматини баҳолаш бўйича назарий ва методологик асослар керакли даражада тўлиқ ишлаб чиқилган ва уларни турли мақсадлар учун қўллашнинг бой амалий тажрибаси тўпланган. Шу билан бирга, ривожланган иқтисодиётли давлатлар тажрибаси далолат берадики, объектларнинг реал бозор қийматини, тижорат битимларини қийматини аниқлаш юқори малакали эксперт-баҳоловчиларни жалб қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолиятини ташкил этиш, юқори малакали эксперт-баҳоловчиларни тайёрлаш муаммоси долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳам “мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш, ўтказиладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва объективлиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, давлат активларини сотиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида” муҳим устивор вазифалар белгилаб берилган [1].

Албатта бу каби ислоҳотларни амалга оширилиши баҳолаш ташкилотлари томонидан халқаро баҳолаш андозаларини босқичма-босқич такомиллаштириб боришни тақозо этади. Айтиб ўтиш керак, бугунги кунда давлат ва хусусий активларни баҳолашда ягона ёндашув ва стандартларни мавжуд эмаслиги натижасида давлат активлари кўпинча асоссиз равишда оширилган нархларда баҳоланмоқда, бу эса уларни сотиш муддатларининг чўзилишига олиб келмоқда ва кейинчалик нархларни қадам-бақадам пасайтириш механизмларини қўллаш заруратини юзага келтирмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (Обзор литературы/Literature review)

Корхона (бизнес) қийматини баҳолашни ёритишга бағишланган илмий адабиётларни ўрганиш жараёнида аксарият адабиётлар

“Корхона қийматини баҳолаш”, “Бизнес қийматини баҳолаш” номлари билан аталганини кўримиз мумкин.

Аслида бу тушунчаларнинг қайси бирини қўллаш ўринли?

Уларнинг бир-биридан фарқи ёки ўхшаш томонлари нималардан иборат?

Шу каби саволларга ойдинлик киритиб ўтсак.

Биринчи навбатда, бизнес – даромад келтирувчи тадбиркорлик фаолияти тури ҳисобланиб, у корхона кўринишидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга. Демак, қийматни баҳолаш нуқтаи назардан “корхона қиймати” ва “бизнес қиймати” тушунчалари мазмунан бир хил эканлигини кўриш мумкин [2].

Ривожланган мамлакатларда бизнесни мулкий мажмуа сифатида ва унинг активлари таркибига кирувчи мулкнинг бозор қийматини баҳолаш назарияси ва услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилган. Хорижда мавжуд корхона ва унинг активлари қийматини баҳолашнинг назарияси кўп асрлик тарихга эга. XVIII асрдаёқ Германиялик машҳур математик олим Г.Лейбнит томонидан корхонанинг бозор қийматини эксперт баҳолаш қоидалари ишлаб чиқилган [3].

Қийматни баҳолаш тушунчасини дастлаб, Нобель мукофоти совриндорлари, америкалик иқтисодчи олимлар Мертон Миллер (Merton Miller) ва Франко Модильяни (Franco Modigliani) томонидан 1961 йилда «Journal of Business» журналида чоп этилган “Дивиденд сиёсати, акциялар қийматини баҳолаш ва уни ўсиши” (Dividend Policy, Growth and Valuation of Shares) номли мақолада келтириб ўтганлар [4]. Улар биринчи марта капитал қиймати ва акциялар қийматини баҳолашнинг концепциясига асос солишган.

Бизнесни баҳолаш бўйича эса, З.Кристофер Мерсер, Трэвис У. Хармсларнинг (Integrated theory of business valuation) номли монографияда биринчи бор назарий ва методологик назариялар келтириб ўтилган ва бу бутун жаҳон учун амалий аҳамиятга эга бўлди [5]. Унда, “бизнес қийматини баҳолашнинг интеграл назарияси, баҳолаш учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий маълумотларни бозор иштирокчиларининг реал ҳаракати учун назарий ва амалий қайта ишлаш учун хизмат қилади” деб белгиланган. Корхонани олди-сотди қилишда сотувчи ва харидорлар ёки мулк ва ундаги улушни сотишда бозор иштирокчилари фаолиятини самарали ташкил этишда бизнес қийматини баҳолашнинг интеграл назариялари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, яхлит “корхона қиймати” ва “алоҳида акционерларнинг мулкдаги улушлари қиймати” тушунчаларига ойдинлик киритилган.

Замонавий қиймат назарияси ва баҳолаш жараёнига бағишланган тадқиқотлар муаллифи А.Дамодаран (A.Damodaran)нинг фикрича, бизнесни баҳолаш нафақат олди-сотди операцияларини ўтказиш ёки унинг гаров қийматини ҳисоблаш учун, балки бошқарув қарорларининг самарадорлигини аниқлаш учун ҳам зарур бўлиб, баҳолаш жараёнида корхонани бошқариши мумкин бўлган ёндашувлар аниқланади ва улардан қайси бири корхонани максимал самара билан таъминлаши ва шу сабабли бозор иқтисодиёти эгалари ва фирмалар менежерларининг асосий мақсади бўлган юқори бозор нархи аниқланади [6].

Халқаро баҳобалаш стандартларида эса, корхона қийматини бизнесдаги хусусий капиталнинг умумий қийматига, корхона қарзлари қўшилиб, унинг пул маблағлари ёки унга тенглаштирилган маблағлари айириб ташлаш орқали ифодаланган [7].

Ғарб мамлакатлари иқтисодчилари томонидан бошқарув жараёнини тўрт босқичга бўлиб ўрганилади. Улардан бири инвестиция босқичи бўлиб, у жумладан , молиялаштириш учун мақсадли корхонани танлаш ва танланган мақсадли корхона билан битимни тузишни ўз ичига олади. Ушбу босқичда компанияни баҳолаш жуда муҳим, чунки у инвесторнинг келажакдаги иқтисодий даромади учун асосий омил эканлигини ифодалашга асосий эътиборни қаратишган бўлса, Россиялик иқтисодчи олимлар эса, корхонани ишлаб чиқариш, тижорат ва ижтимоий зарурати асосида баҳолашган [8].

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, бизнес қийматига қуйидагича таъриф бериш фикримизча, ўринли ҳисобланади:

Бизнес қийматини баҳолаш – бу маълум бир санада, амалдаги қонунчилик ва стандартлар асосида, белгиланган мақсадга эришиш учун бизнесни (яхлит мулкий мажмуа сифатида) ёки унда иштирок этишдаги улушни келгусидаги келтириши мумкин бўлган барча даромадларини ҳисобга олган ҳолда тавсиявий аҳамиятга эга бўлган жорий бозор қийматини аниқлашнинг тартибли жараёни ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты /Analysis and results)

Бизнес тадбиркорлик фаолияти сифатида турли хилдаги хизматларни кўрсатиш билан банд бўлган кўп сонли хўжалик юритувчи субектлар (бизнесни кредитлаш, уни суғирталаш; ресурслар ва технологик жиҳозлар билан таъминлаш ва ҳоказолар билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар) билан ўзаро ҳамкорликни талаб этади.

1-расм. Бизнес ва унинг таркибий қисмларининг турли бозорларда иштироки [1]



Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш учун ишлаб чиқарилаётган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиш бозорлари талаб этилади, (1-расм) бунинг пировардида, бизнеснинг ҳам товар сифатида, ҳам тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида турли хил бозорлар ва бозор тузилмалари билан ҳамкорлик қилишини назарда тутади.

Иқтисодий фаолият жараёнида ўз корхонангиз ва рақобатчиларингиз ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлади. Кўпинча бизнес жараёнида бизнесни сотиш ёки сотиб олиш керак бўлади. Муайян корхона (бизнес) қийматининг даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарурати мавжуд. Бунинг учун бизнесни баҳолаш амалиёти мавжуд.

Бизнес қийматини баҳолаш жараёнида учта асосий жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Булар:

- баҳолаш мақсадини аниқлиги;
- баҳолаш тамойилларига риоя этиш;
- баҳолаш ёндашувларини тўғри танлаш

Профессионал баҳоловчи ўз фаолиятида ҳар доим аниқ мақсадни бошқаради. Мақсадни аниқ, малакали шакллантириш ҳисобланган харажат турини тўғри аниқлаш, баҳолаш усулини танлаш имконини беради.

Қоида тариқасида, баҳолашнинг мақсади мижозга инвестиция қарорини қабул қилиш, битим тузиш, молиявий ҳисоботларни ўзгартириш ва бошқалар учун зарур бўлган баҳоланган қийматнинг айрим турларини аниқлашдир. Баҳолаш ишларини амалга оширишдан давлат органларидан тортиб то хусусий шахсларгача бўлган турли томонлар: назорат-тафтиш органлари, бошқарув тузилмалари, кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, солиқ фирмалари ва бошқа ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар,

[1] Б. Ходиев, Б. Беркинов, А. Кравченко. “Бизнес қийматини баҳолаш” – Т.: “Иқтисод-молия” ўқув қўлланма. 2007. 7-бет

инвесторлар ва бошқалар манфаатдор.

Баҳолаш ишини олиб боришдан манфаатдор томонлар ўзларининг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга интилиб, баҳолаш мақсадларини белгилайдилар. (1-жадвал).

1-жавдал

Турли хил субъектлар томонидан бизнесни баҳолаш мақсадларининг тахминий таснифи [2]

Баҳолаш субъекти	Баҳолаш мақсадлари
Юридик шахс сифатидаги корхона	– иқтисодий хавфсизликни таъминлаш – корхонани ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш – акцияларни чиқариш – бошқарув самарадорлигини баҳолаш
Мулкдор	– мулкни тасарруф қилиш вариантини танлаш – қайта ташкил этишда бирлаштирилган ва ажратиб чиқарилган балансларни тузиш – корхона ёки унинг улушини олди-сотди нархини асослаб бериш – корхонани тартибга солинган тугатишда тушган пулнинг миқдорини аниқлаш
Кредит муассасалари	– қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш – кафилликка берилаётган кредит миқдорини аниқлаш
Суғурта ташкилотлари	– суғурта бадалининг миқдорини аниқлаш – суғурта тўловларининг суммасини белгилаш
Фонд биржалари	– конъюнктура тавсифномаларини ҳисобга олиш – қимматли қоғозлар котировкаларининг асослилигини текшириш
Инвесторлар	– инвестицион қўйилмаларнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш – уни инвестицион лойиҳага қўшиш мақсадларида корхона харид қилишнинг мақбул нархини аниқлаш
Давлат идоралари	– корхонани хусусийлаштиришга тайёрлаш – турли хил солиқлар учун солиққа тортиладиган базани аниқлаш – банкротлик процедураси орқали мажбурий тугатишда тушган пулнинг миқдорини аниқлаш – суд мақсадлари учун баҳолаш

Ҳар қандай корхонанинг қийматини баҳолаш муайян бозор шароитида маълум бир вақтда у томонидан келтириладиган потенциал кутилаётган ва ҳақиқий даромадни ҳисобга олган ҳолда унинг қийматини пул ифодасида аниқлашнинг тартибга солинган ва аниқ мақсадга йўналтирилган жараёнини ўзида намоён этади

Бизнес эгаси уни сотиш, гаровга қўйиш, суғурта қилиш, васият қилиш ҳуқуқига эга, яъни бизнес битим обьекти, товар бўлиши мумкин ва ҳар қандай товар сингари у харидор учун фойдали бўлиши керак. Биринчи навбатда у даромадлар олишга бўлган эҳтиёжларга мос келиши лозим.

Ҳар қандай бошқа товар сингари бизнеснинг фойдалилиги ундан фойдаланишда намоён бўлади. Ўз навбатида, агар бизнес мулкдорга даромад келтирмаса, у унинг учун ўз фойдалилигини йўқотади ва сотилиши лозим болади.

Агар бошқа кимдир ундан фойдаланишнинг янги усулларини, даромад олишнинг бошқа имкониятларини кўрса, у ҳолда бизнес товарига айланади.

Айни пайтда, даромад олиш, такрор ишлаб чиқариш ёки муқобил бизнесни шакллантириш маълум бир харажатлар билан кузатилади.

Фойдалилик ва харажатлар биргаликда бозор нархининг асослари ташкил этувчи миқдор бўлиб, уни бозор қиймати деб белгилаш мумкин. Шундай қилиб, бизнес маълум фаолият тури сифатида, бозор иқтисодиётида унинг ташкилий шакл сифатида, мулкдорнинг даромадларга бўлган эҳтиёжларни қондиради ва уни олиш учун маълум ресурслар сарфланади.

Баҳолаш ишининг сифатли бажарилишига нафақат баҳолашга тўғри танланган мақсад, балки баҳолаш тамойилларига риоя қилиш ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бу бизнес қийматини баҳолаш учун услубий воситалар тўпламининг иккинчи муҳим элементидир. 2-расм.



2-расм. Бизнес қийматини баҳолаш тамойиллари[3].

Бизнес қийматини аниқлаш тамойиллари - бу бозор ва ишлаб чиқариш омилларининг таъсир даражаси, шунингдек баҳоланаётган объектлар эгаларининг (фойдаланувчиларининг) шахсий хусусиятларига асосланган услубий қоидалар тўплами.

Амалда, профессионал баҳоловчилар қулайлик учун бешта блокга бирлаштирилган баҳолаш тамойилларининг ягона тўпламидан фойдаланадилар.

Ушбу тамойиллар баҳолаш ишларини бажаришда субъективликни минималлаштиришга имкон беради ва баҳоловчига мулк қийматининг ҳар қандай турини аниқлашда якуний натижага таъсир қилувчи омилларнинг кўпини ҳисобга олишга ёрдам беради.

Тамойилларнинг биринчи гуруҳи “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган баҳоловчига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди, биринчи ва асосийси мустақиллиқдир. Бу шуни англатадики, баҳоловчи баҳоланаётган компания билан боғлиқ бўлмаслиги керак, яъни корхонанинг шерик мулкдорлари, инвесторлари таркибига кириши, бошқарувчи лавозимида ишлаши, шунингдек, ушбу шахслар билан қариндошлик алоқасида бўлмаслиги керак.

Баҳолаш жараёнини ташкил этиш тамойиллари мижоз ва баҳоловчи ўртасидаги муносабатларнинг характерини белгилайди. Хужжатлаштириш тамойилга кўра, баҳолаш контекстида учта асосий ҳужжатни ажратиш керак.

Биринчиси - баҳолаш шартномаси, иккинчиси - баҳолаш топшириғи (баҳолаш топшириғининг намунаси 1-иловада келтирилган). Шартномада буюртмачи ва баҳоловчи баҳолаш предмети, уни амалга ошириш мақсади, қиймат тури, ҳисоб-китоб қайси валютада амалга оширилганлиги ва баҳолаш санасини белгилашлари керак. Учинчи ҳужжат - бу объектнинг қийматини аниқлаш методологияси, ҳисоб-китобларни ахборот билан таъминлаш, шунингдек пул кўринишидаги якуний харажат бўйича хулоса.

[2] Есипов В.Е., Маховикова Г.А. (ред.) Оценка бизнеса. Учебное пособие. — 3-е изд. — СПб.: Питер, 2010. Стр-67.

[3] В. Н. Жигалова. Оценка стоимости бизнеса. Учебное пособие. Издание второе, дополненное. Томск «Эль Контент» 2015 стр. 21

Бизнесни баҳолаш тамойилларининг учинчи гуруҳи инвесторнинг қарашлари билан боғлиқ бўлиб, у мақсадли объектга инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайдиган ҳар қандай потенциал харидор бўлиши мумкин.

Фойдалилик тамойили қийматнинг ҳар қандай актив қийматининг пул ифодаси сифатидаги асосий таърифига асосланади: потенциал харидор учун баҳоланган объект қанчалик кўп талаб қилинса, у шунчалик кўп пул тўлашга тайёр бўлади. Шундай қилиб, агар харидорга маълум бир актив умуман керак бўлмаса, у ҳолда объектнинг нархи уни қизиқтирмайди. Бундан ташқари, агар баҳолаш предмети, масалан, маълум бир харидор учун ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча бўлган патент бўлса, у мумкин бўлган синергетик таъсир туфайли бунинг учун юқори нархни тўлашга тайёр бўлади.

Бозор тамойиллари гуруҳи доирасида бозор ҳолатини, яъни талаб ва таклиф нисбати омилини ҳисобга олиш керак. Баҳоланаётганга ўхшаш корхоналарни сотиб олиш бўйича таклифларнинг сони ва мазмуни ҳам баҳоланиши керак - қоида тариқасида, қанча ўхшаш таклифлар бўлса, баҳоланаётган активнинг нархи шунчалик паст бўлади.

Бизнесни баҳолашда ишлаб чиқариш тамойиллари бир-бири билан боғлиқ: улар улуш ва мувозанат тамойиллари. Улардан биринчиси бизнесни активлар тўплами сифатида баҳолашдан иборат бўлиб, уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: кўчмас мулк, кўчар мулк (биринчи навбатда технологик жиҳозлар) ва интеллектуал мулк. Агар бундай ишлаб чиқариш активлари фойдаланиш учун яроқсиз бўлса, тугатиш қиймати бўлмаса ва цивилизациялашган усуллар билан тасарруф этиш учун харажатлар талаб қилинса, уларнинг бизнес қийматига қўшган улуши салбий бўлади. Мувозанат принципи, аслида, ҳисса қўшиш принципининг мантиқий натижасидир ва бизнеснинг барча активларини ҳар томонлама кўриб чиқиш кераклигини англатади.

Бизнесни баҳолашнинг мақсади ва унинг якуний принципи энг самарали фойдаланишдир, бу баҳоловчидан баҳолаш объектини тасарруф этишнинг эгасига максимал даромад келтирадиган шундай усулини танлашни талаб қилади. Бундай ҳолда, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- таклиф этилаётган вариант бўйича объектдан амалий фойдаланиш имконияти;

- қонуний йўл қўйилиши, яъни. фақат мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базага зид бўлмаган фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда;

- молиявий ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик;

- объектдан фойдаланишнинг мумкин бўлган ва қонуний рухсат этилган вариантлари орасидан танлаш, бу мижозга барча зарур харажатларни ҳисобга олган ҳолда мақбул даромадни таъминлайди.

Ҳулоса ва таклифлар (Заключение/Conclusion)

Бозор муносабатларини ривожланишининг асосий омилларидан бири рақобатбардош корхоналар фаолиятининг узоқ муддатли ривожлантириш дастурларининг асосий мақсади – маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ўз ҳиссасини ошириш ва истеъмолчилар талабини максимал қондириш билан корхоналар ўз активлари қийматини оширишга ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бирор бизнеснинг бозор қийматини баҳолашга бўлган қизиқиш, баҳолаш натижаси корхонанинг фаолияти тўғрисида қарор қабул қилишдаги қийматига қараб белгиланади. Баҳолаш натижаси инвестиция тўғрисида қарор қабул қилиш, қайта қуриш, бизнесни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ва бошқа кўплаб ҳолатларда корхонанинг молиявий ресурсларига таъсир кўрсатадиган йўл-йўриқ бўлиши мумкин. Ўз навбатида, бизнеснинг ҳақиқий қийматини ошириш унинг эгалари интилаётган нарсадир, шунинг учун ривожланган молиявий бозорларга эга мамлакатларда менежерлар кўпинча бизнеснинг бозор қийматини оширишга қаратилган қарорларни қабул қилишга ундайдилар.

Фикримизча, истиқболда бизнес қийматини баҳолаш фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- бизнесни баҳолашда халқаро баҳолаш стандартларини қўллаш, чунки халқаро миқёсда профессионал фаолиятнинг мустақил тури сифатида бизнесни баҳолашнинг ривожланишида халқаро баҳолаш стандартлари катта рол ўйнайди;

- баҳоловчининг малакаси ва мустақиллигига мувофиқлиги миллий баҳоловчиларнинг умумий малака даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга, бунинг натижасида миллий баҳоловчиларга халқаро консалтинг фирмалари билан муваффақиятли рақобатлашиш имконини беради;

- маҳаллий баҳоловчиларни халқаро жамоат ташкилотларининг ихтисослаштирилган дастурлари бўйича профессионал баҳолаш бўйича тайёрлаш, чунки Ўзбекистон иқтисодиётига сармояларни жалб қилиш учун хорижий инвесторларда ишонч уйғотадиган юқори малакали баҳоловчилар зарур.

Адабиётлар рўйхати (Список литературы /References)

1. Ўзбекитсон Республикасининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4381 сонди Қарори.
2. И.Исманоа, Ғ.Салимов Саноат корхоналари қийматини баҳолашни такомиллаштириш масалалари. Мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил
3. В Царев, А.Кантарович Оценка стоимости бизнеса. Учебное пособие. М. Юнити,2007. с-13 В.Парев, А.Кантаров Оценка стоимости бизнеса Учебное пособие-М. Юнитн.2007 с-14.
4. Merton M., Franco M., Dividend Policy, Growth and the Valuation of Shares//Journal of Business. 1961b, October, page 411.
5. З. Мерсер, Т. Хармс, Интегрированная теория оценки бизнеса/Под научн. ред. В.М.Рудгайзера; (пер. с англ. Л.И.Лопатников).-М.: Маросейка, 2008-288 с
6. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов / Асват Дамодаран; Пер. с англ. – 7-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2011.
7. International Valuation Standards IVS -2017. IVSC, 2017.- 115 p
8. Stefano Caselli. Giulia Negri. 21 - Fundamentals of company valuation in private equity and venture capital. Private Equity and Venture Capital in Europe (Third Edition) Markets, Techniques, and Deals 2021, Pages 333-343.
9. Есипов В.Е., Маховикова Г.А. (ред.) Оценка бизнеса. Учебное пособие. — 3-е изд. — СПб.: Питер, 2010. Стр-67.
10. В. Н. Жигалова. Оценка стоимости бизнеса. Учебное пособие. Издание второе, дополненное. Томск «Эль Контент» 2015 стр. 21
11. Егерев И.А. Оценка стоимости отдельных подразделения бизнеса// Вопросы оценки 2005г №4. 28.Иванов А.М. и др. С-24
12. Б. Ходиев, Б. Беркинов, А. Кравченко. “Бизнес қийматини баҳолаш” – Т.: “Иқтисод-молия” ўқув қўлланма. 2007. 7-бет
13. В. Н. Жигалова. Оценка стоимости бизнеса. Учебное пособие. Издание второе, дополненное. Томск «Эль Контент» 2015 стр. 21
14. www.davaktiv.uz – (O’zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi rasmiy sayti).
15. www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780323854016000205.